

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ талими” йўналиши
2-курс талабаси

ЙЎЛДАШЕВ ЖАСУРБЕКнинг

***ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ,
БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ***

КУРС ИШИ

Курс иши раҳбари : Р. Имамов



Андижон -2014

**МАВЗУ: ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ,
 БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.**

I. Кириш.

II. Асосий қисм:

- 1. Юридик жавобгарлик тушунчаси.*
- 2. Юридик жавобгарлик белгилари ва турлари.*
- 3. Юридик жавобгарлик принциплари ва мақсадлари.*
- 4. Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа чоралари.*

III. Хулоса.

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Қириш.

Инсоният қадим замонлардан буён давлат ва ҳуқуқ масалалармга катта қизиқиш билан муносабатда бўлиб келади. Давлат ҳокимияти ҳамда ҳуқуқий ҳаёт ҳодисалари ҳамма замонларда алоҳида долзарблик касб этиб келганлиги барчага аён. Бу воқелиklar мустақил Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, янги демократик давлатчилик биносини барпо этаётган жамиятимиз давлат, демократия, ҳуқуқ, қонунчилик, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари каби қатор категориялар мазмун-моҳиятини қайта мушоҳада этишга муҳтож. Мустақиллик тафаккурининг маҳсули сифатида бу борада янги назарий қарашлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов талқинида давлат ва ҳуқуқ янги тавсифга эга бўлди. «Демократия шароитида, - деб таъкидлайди юртбошимиз, - давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интзмомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади»¹.

Бугунги ўзбек жамияти ўзи учун ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, демократик фуқаролик жамияти, сиёсий хурфикрлик (плюрализм), ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устуворлиги, мустақил суд ҳокимияти каби фундаментал тушунчаларни қайта кашф этмоқда. Тан олиш лозимки, жамият ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини замонавий маърифий тамойиллар асосида ислоҳ этишда давлат ва ҳуқуқ бениҳоя катта роль ўйнайди. Шу боис давлат тузилиши, демократик сиёсий тузилишнинг мавжуд бўлиши, ҳуқуқий муносабатлар оқилона тизимининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги давлат-ҳуқуқий институтларининг фаолиятига боғлиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислохотлар мустаҳкам ҳуқуқий заминга таянган ва қатъий давлат-сиёсий таъминланиш механизмаларига эга бўлгандагина самарали бўлиши исбот талаб этмайдиган аксиомадир. «Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, - дейди И.А. Каримов.- ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин»². Айни вақтда, давлатнинг фаол ташкилотчилик ва ижобий бунёдкорлик ролига ҳам алоҳида урғу берилади. «Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб,

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. 20-бет.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент, 1996, 192-бет.

ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак»³.

Мустақиллик йиллари мобайнида юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўпгина ишлар қилинди. Республикада давлат идораларининг, шу жумладан, ҳуқуқий муассасаларнинг изчил тизими шакллантирилмоқда. Демократик институтларни ҳаётимизга олиб кирувчи ва бозор муносабатларини маърифий шаклда жорий этишга имкон берувчи қонунлар мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда янги иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бугинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи, бир сўз билан айтганда, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 300 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлиги ўтган мустақил ривожланиш давримиздаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожи бўлди.

Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг буюк рамзи, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

³ Каримов И.А, Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент, 1996, 178-бет.

Юридик жавобгарлик тушунчаси.

Ҳуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар юридик жавобгарлик деганда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун жавоб бериш (ёки ҳисоб бериш) мажбуриятини тан оладилар;

бошқа муаллифлар маълум бир маҳрум бўлишларга дучор бўлиш мажбуриятини, ҳуқуққа хилоф қилмиш учун салбий оқибатларни ҳисоблайдилар;

учинчилари ҳуқуқни бузиш факти эмас, балки ҳуқуқни қўллаш акти қабул қилиниши муносабати билан келиб чиқадиган мажбурият, деб тушунадилар;

туртинчи гуруҳдаги муаллифлар юридик жавобгарлик — давлат мажбурлов хусусиятига эга бўлган тадбирларнинг амалга оширилиши деб қарайдилар;

бешинчилари бу тушунчани санкцияни амалга ошириш билан боғлайдилар;

олтинчи гуруҳдаги муаллифлар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун субъектнинг ҳисоб бериш қобилиятини мажбурий таъсир чораларига дучор бўлиши билан боғлайдилар.

Юридик адабиётда кўп ҳолларда «жавобгарлик» атамаси заминида юридик мажбуриятларнинг турли-туманлилиги кўрсатилади. Юридик жавобгарликка умумий назарий нуқтаи-назардан ёндашиш бундай тушунишнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Фанда шу нарса умумий равишда тан олинганки, жавобгарлик юридик оқибатларнинг турли хил кўриниши бўлиб, маълум фактлар мавжуд бўлганда келиб чиқади; бу ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларнинг субъектларига муайян ҳуқуқларни бериш ва уларга тегишли мажбуриятларни юклаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга соладилар (уларга таъсир кўрсатадилар). Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаришдан бошқа ҳеч қандай ўзга оқибатларни назарда тутмайди. Юридик жавобгарлик ҳам бундай мажбуриятларнинг кўриниши ҳисобланади.

Норматив ҳужжатларни таҳлил қилишдан шу нарса келиб чиқадики, ҳуқуқ нормалари юридик оқибатнинг кўриниши бўлган жавобгарликнинг келиб чиқишини ҳуқуқ томонидан салбий — баҳоланадиган юридик фактлар (мажбуриятларни бажармаслик, тақиблашларни, субъектив ҳуқуқларни бузиш) билангина боғлашди. Жавобгарлик ўз мазмунига кўра, бошқа мажбуриятлардан фарқ қилади, бу ҳамма вақт субъектнинг зиммасига юклатилган, субъектга зарар келтирадиган мажбурият бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини чеклайди ва муайян турдан маҳрум бўлишларга олиб келади.

Юридик жавобгарликни мажбуриятнинг кўриниши сифатида тушуниш — жавобгарликнинг у ёки бошқа жиҳатларини акс эттирадиган ўзга қарашларни рад этиш эмас. Юридик жавобгарликнинг юклатилиши айбдор субъектнинг ўз хатти-ҳаракати учун ҳисоб беришини (жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатни содир қилиш сабаблари, мотивларини тушунтириб бериш) тақозо этади. Жавобгарлик ҳуқуқий норманинг санкциясида

кўзда тутилган экан, демак, жавобгарликнинг юклатилиши ҳам санкциянинг амалга оширилишидир.

Ўз навбатида, зиммасига жавобгарлик юклатилган субъектдан муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни, шунингдек, мажбурлаш чораларини қўллайдиган махсус органларнинг ҳаракат қилишини талаб этади. Жавобгарликни амалга ошириш, албатта, шунинг тақозо қиладики, субъект ўзининг психофизик ва ижтимоий хусусиятларига кўра, мажбурлаш чораларини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Агар биз ҳуқуқ тилига мурожаат қилсак, шу нарсани кўрамизки, норматив ҳужжатларда, «юридик жавобгарлик» атамаси ўз ичига субъектнинг маълум бир ҳаракатларини, ҳулк-атворини амалга ошириш мажбуриятини олади. Бунга мулкӣ маҳрумликларга дучор бўлиш (жарима тўлаш, мусодара, келтирилган зарарни тўлаш), шахсий маҳрумликларга дучор бўлишни (озодликдан маҳрум бўлиш мажбуриятини) киритиш мумкин.

Қонунлар матнларида «жавобгарликни кучайтириш», «жавобгарликни енгиллаштириш», «жавобгарликка тортиш», «жавобгарликдан озод қилиш», «жавобгарликни бекор қилиш», «жавобгар бўладилар», «жавобгарликка тортиладилар» каби ибораларни учратиш мумкин.

Юридик жавобгарлик — содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат-ҳокимият хусусиятидаги маълум маҳрумликларга дучор бўлишидир.

"Юридик жавобгарлик — ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ноқулай оқибатларга бардош бериш мажбурияти; ижтимоий жавобгарликнинг тури"⁴.

Юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик – мураккаб, кўп жиҳатли ижтимоий-ҳуқуқӣ ҳодиса бўлиб, бу тушунча унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида ҳуқуқшунослик фанида баҳслар кетмоқда. Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида юридик жавоб-гарликни кенг маънода тушунишни, яъни субъект ҳуқуқӣ соҳадаги ўз ҳулк-атворини, унинг оқибатларини, ижтимоий аҳамиятини (масъулиятни ҳис этиш) англаб этиш маъносида тушунишни таклиф этмоқдалар.

Бундай ёндашиш жавобгарликни икки жиҳатда: биринчидан, «позитив» истиқболли, яъни келгуси хатти-ҳаракатлар учун; иккинчидан, ретроспектив⁵, яъни бўлиб ўтган ҳодиса (содир этилган хатти-ҳаракатлар учун) кўриб чиқиш учун асос бўлиб жавобгар бўлиш маъносида таърифлаш мумкин.

Бундай ёндашишлар ҳуқуқӣ тартибга солиш соҳасидаги реал ижтимоий жараёнларни акс эттирганликлари учун мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Дарҳақиқат, ушбу ҳодиса билан

⁴ Юридик энциклопедия. С.Раззоков, Н. Имомов, И. Кувайтов. Тошкент "Шарқ", 2001.570-бет.

⁵ **Ретроспектив** - ўтмиш, ўтмишга қайтиш демакдир, яъни содир этилган ҳуқуққа ҳилоф иш учун жавобгарлик.

келишмаслик мумкин эмас, жавобгар бўлиш ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини кўра билиш, уларни жамиятда амалда бўлган ижтимоий, шунингдек, ҳуқуқий нормаларга солиштира билишдир. Позитив жавобгарлик — инсон ўз мажбуриятларига ёки ҳуқуқ нормаларига қарши ҳаракат қилаётган вақтда эмас, балки ўз мажбуриятларини бажаришга киришаётган пайтда келиб чиқади.

Ҳап субъектларнинг фаол, ташаббусли, онгли ҳуқуқий фаолияти билан боғлиқ жавобгарлик устида бормоқда. Бу, ўз навбатида, демократия, бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодда янги механизмларни яратиш билан боғлиқдир.

Бундан, позитив юридик жавобгарлик ҳозирги ва келажакдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи сифатида майдонга чиқса, ретроспектив юридик жавобгарлик эса, асосан ўтган ҳодисаларга қаратилган бўлиб, бурчни бузиш, юридик мажбуриятни бажармаслик натижасида келиб чиқади.

Юридик жавобгарликнинг иккала жиҳати ҳам узвий равишда ўзаро боғлиқ ва бир-биридан ажралмас. Шунинг учун, алоҳида ретроспектив ёндашиш юридик жавобгарликнинг ролини тўлиқ очиб бера олмайди. Демак, позитив юридик жавобгарликни ҳам кўриб чиқиш керак.

Юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг шакли сифатида турли хусусиятларга ва намоён бўлиш шаклларига эгадир.

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, позитив жавоб-гарлик ҳуқуқ нормаларида кўзда тўтилган. Масалан, «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги қонунда белгилаб қўйилганки, бош муҳаррир оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан қўйиладиган талабларнинг бажарилиши учун жавобгар.

Позитив юридик жавобгарлик шахс эркинлиги билан, яъни ўз хулқ-атвор йўлини танлаш, «қонун таъкикламаган барча нарса, мумкиндир», деган тамойилга мос ҳолда ўз хатти-ҳаракатларининг йўналишини мустақил равишда аниқлаш имконияти билан боғлиқ. Эркинлик ва жавобгарлик бир-биридан ажралмасдир. Жавобгарлик — чинакам эркинликнинг шартидир.

Ҳеч нарса билан чекланмаган эркинлик, жавобгарликсиз эркинлик таназзулга юз тутаяди. Шунинг учун, ҳақиқий эркин инсон ўз эркинлигига эришиш мақсадида ўз хатти-ҳаракатини ижтимоий талабларга доимо мослаб туриши, яъни жавобгарликни ҳис этган ҳолда ҳаракат қилмоғи керак, Эркинлик — зарурат ва эркин танловни билишга асосланган онгли ва масъулиятли фаолиятдир.

Мақсад ва унга эришиш воситаларини эркин равишда танлаш, ҳаракат қилиш учун эркин ҳолда қабул қилинган қарор аниқ вақтда тегишли субъектларнинг жавобгарликларини тақозо қилади.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, жамиятга, ўзга шахсларга нисбатан тегишли муносабатни шарт қилиб қўядиган, ўзига юклатилган мажбурият-ларнинг фуқаро, мансабдор шахс томонидан англаб етилиши, тўғри тушунилиши позитив юридик жавобгарликнинг субъектив томонини ташкил қилади.

Масаланинг объектив томонига келсак, у ички қўзғатувчи мотивлар бурчни сезиш, фуқаролик ҳис-туйғусига асосланган хатти-ҳаракатда ифодаланади.

Бундан шу нарса маълум бўладики, «жавобгарлик», «жавобгар» каби тушунчаларни ўз ичига олган ҳуқуқ нормалари тегишли субъектларнинг ҳуқуқий, ижтимоий фаол хатти-ҳаракатини тақозо қилади. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юридик жавобгарликни фақатгина ҳуқуқбузарга нисбатан таъсир этиш чораси сифатида тушуниш мумкин эмас. Бундай ёндашишда позитив юридик жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни субъектлар томонидан ҳуқуқий хатти-ҳаракатни онгли ва фаол танлашга кўмаклашадиган таркибий қисмлари эътибордан четда қолади.

Юридик жавобгарликнинг белгилари ва турлари.

Юридик. жавобгарлик куйидаги ўзига хос белгилар билан ажралиб туради.

Биринчи белги. Унинг давлат мажбурлови билан ажралмас даражада боғлиқлиги, бундай боғлиқлик шунда намоён бўладики, юридик жавобгарлик давлат томонидан ўрнатилади ва юридик нормаларда ифода этилганидек, ҳокимият талабларидан четга чиққан айбдор шахсларга нисбатан ташқи, мажбурий таъсирнинг ўзига хос усули (методи) бўлиб ҳисобланади. Юридик жавобгарлик айрим хатти-ҳаракатта нисбатан жавоб сифатида алоҳида ҳолларда қўлланилади. Шунинг учун, қоидага кўра у ҳуқуқбузарлар учун қўлланидиган катъий чеклашлар билан боғланган.

Юридик жавобгарликнинг давлат мажбурлов табиати шу нарсадан ҳам намоён бўладики, у ҳуқуқ нормаларининг санкцияларида белгилаб қўйилган, у фақат давлат ва унинг органлари фаолияти воситасида амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда, жавобгарликни кўзда тутувчи баъзи фуқаролик ҳуқуқий санкциялари эркин равишда, яъни давлатники ваколатли органлари томонидан аниқ мажбурлаш чораларини қўлламасдан ҳам — амалга оширилиши мумкин.

Бирок, бу нарса ҳуқуқий таъминлашнинг мавжуд эмаслиги ҳақида гувоҳлик бермайди. Чиқарилган қарорнинг айбдор томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши ёки уларга келтирилган зарарни тўлаши ушбу чораларнинг мажбурлаш моҳиятини ўзгартирмайди. Давлат ҳамма вақт ҳам айбдор шахсни тегишли санкцияларда кўзда тутилган чеклашларни бажариюта мажбур қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Иккинчи белги. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролар ва жамоат бирлашма-ларининг ҳуқуқ ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва унинг бузилишига сабаб бўлади. Ҳуқуқбузарлик қасд ёки зхтиётсизлик кўринишида бўладиган, ҳуқуқ қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида жамият, давлат ва фуқаролар (шахслар) манфаатларига етказиладиган моддий ва маънавий зарар ёки хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизликдир.

Ҳуқуқбузарлик - ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари куйидагилардан иборат:

1. ҳуқуқбузарлик жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли характерга эга;
2. ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши характерга эга;
3. ҳуқуқбузарлик — айбли қилмишдир;

4. ҳуқуқбузарлик фақат кишилар томонидан содир қилинади;
5. ҳуқуқбузарлик кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ихтиёрий амалга оширилади ва ҳоказо.

Учинчи белги. Юридик жавобгарликнинг амалдаги асоси шундай ҳуқуқбузарлик, яъни ички (шахснинг онги ва иродаси) ва ташқи ҳаракатларининг бирлигини мужассамлаштирган хатти-ҳаракат сифатидаги акт бўлиши мумкин. Бу нарса шуни билдирадики, ҳуқуқий кўрсатмаларни бузишда айбдор бўлган шахсина ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти бўлиши мумкин.

Тўртинчи белги. Юридик жавобгарлик давлат томонидан айблаш, ҳуқуқбузарнинг ҳуқ-атвори учун танбеҳ бериш билан боғлиқ. Давлат томонидан айблаш — бир қатор хусусиятларга эга бўлган кенг тушунча ҳисобланади. **Биринчидан**, бундай қоралаш ҳуқ-атвори учун танбеҳ бериладиган субъектларга нисбатан ҳокимият таъсирини қўллаш билан ажралмас равишда боғлиқ. **Иккинчидан**, давлат томонидан айблаш ҳуқуқбузарни айбдор деб топиш, унга нисбатан аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш ва уларни амалга оширишда намоён бўлади. **Учинчидан**, бу нарса ретроспектив хусусиятга эга. Шунинг учун фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотлар ҳуқ-атворларининг илгари содир этилган ҳуқуқда ҳилоф актлари салбий баҳога эга бўлади.

Бу кўрсатилган белги юридик жавобгарликнинг баъзи турларини тушуниш-да муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, у жинойй жавобгарликка хос бўлиб, унинг моҳиятини белгилаб беради. Гап шундаки, кўпгина ҳолларда бу жавобгарлик айбдор жинойят содир этганлиги учун фақат давлат томонидан айбланиши билан тугаши ва жинойй жазо чораларини белгилаш ва бажариш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин.

Ҳуқуқбузар ҳуқ-атворининг юридик жавобгарлик билан боғланган баҳоси, унинг давлат органлари томонидан қораланиши ҳамма вақт учраб туради. Ақсинча, ўзга ҳуқуқни муҳофаза қилиш воситалари учун бундай баҳо асосий нарса эмас. Масалан, тиббий мажбурлашга доир чора-тадбирлар амалда мақсадга мувофиқлиги ушбу шахс томонидан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этишнинг олдини олишга интилиш мақсадида келиб чиқади. Юридик жавобгарлик учун мажбурий бўлган баҳонинг ўша элементи бу воситаларга хос эмас.

Жавобгарликни юклаш билан боғлиқ бўлган давлат томонидан айблаш ҳуқуқбузарларда маълум бир ҳуқуқий туйғуларни пайдо қилади. Кўпгина ҳолларда, «жазоланганлик», «қораланганлик» каби туйғулар ҳуқуқда ҳилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўйган шахсларга нисбатан жиддий тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нарса ўзига зътиборни жалб қиладики, баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар юридик жавобгарлик тушунчасига давлат томонидан қоралашни эмас, балки жамоат томонидан қоралашни киритади. Бироқ, юридик жавобгарлик белтиларида бирининг бундай тарзда талқин қилиниши маълум маънода аниқлаштиришни талаб этади. Юридик жавобгарликни,

хусусан. ўртоқлик суди томонидан юридик жавобгарлик юклатиш жараёнида фуқаронинг ҳуқуқда ҳақдор хатти-ҳаракатининг ҳар қандай равишда қораланиши давлат томонидан қораланиш характериға эға бўлади.

Бешинчи белги. Юридик жавобгарлик ҳамма вақт ҳуқуқбузарға нисбатан маълум салбий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Юридик жавобгарликни ҳуқуқбузарлик қилган шахс учун белгиланган қийинчиликлар ва маҳрум этишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Салбий оқибатлар қандай оқибатлар, улар нималарда ифодаланади ва намоён бўлади? Умумий атамаларға хос нуқтаи-назардан туриб айтиш мумкинки, ҳар қандай ёмон натижа салбий оқибатдир, ушбу маънода ҳар қандай ҳуқуқий санкцияни, жумладан, олдини олиш ёки тиклаш воситаларини кўзда тутадиган санкцияни қўллаш қандайдир маҳрумликлар, чеклашларнинг келиб чиқиши, манфаатларнинг камайтирилиши билан боғлиқ.

Жавобгарликнинг моҳияти унинг қандайдир бир маҳрумликлар, чеклашлар билан қўшиб олиб борилишида эмас, балки бу маҳрумликларнинг хусусиятида намоён бўлади. Шу нарса назарда тутиладики, улар жарима солиш хусусиятиға эға бўлиб, ҳуқуқбузарнинг шахсига қаратилган. Жавобгарликни юклаш даврида келиб чиқадиган жарима солиш тартибида маҳрум қилиш ўз-ўзидан келиб чиқадиган мақсад эмас. Улар восита сифатида майдонға чиқади, улар ёрдамида ҳуқуқбузарликнинг умумий ва хусусий тарзда олдини олишға эришилади, қонунчиликни бузишға йўл қўйган фуқароларни қайта тарбиялаш вазифалари амалға оширилади. Маҳрум этиш ёхуд чеклаш ҳақидаги масала қўйилаётган ҳуқуқларнинг баҳоси турлича. Бироқ, бу ҳолат ушбу фактни ҳаспўшлаш эмас. Қоидаға кўра, жавобгарлик давлат томонидан мажбурлашнинг бошқа чоралари билан солиштирганда ҳуқуқбузарларға нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

Олтинчи белги. Ҳуқуқбузарға нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади.

Еттинчи белги. Давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларға амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юридик жавобгарлик турли асосларға кўра бир нечта турларға бўлинади. Масалан, жавобгарликни юклайдиган органлар бўйича юридик жавобгарликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. давлат ҳокимияти органларм томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;
2. суд ва бошқа юридик органлар томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;
3. маъмурий органлар (давлат бошқарув органлари) томонидан ҳуқуқбузар зиммасига юкланадиган юридик жавобгарлик;

Юридик жавобгарлик қайси соҳага тегишлилигига, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури содир этилганлигига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик;
- 2) маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик;
- 3) фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик;
- 4) интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик фуқаролар томонидан ижтимоий ва давлат тузумига, — мулк шакллари, ҳўжалик тизими, шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ва ҳоказоларга қарши тажовуз қилинганда келиб чиқади. Жиноят кодексида кўзда тутилган талабларни бузиш жиноят ҳисобланади ва шу жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланади. **Жиноий жавобгарликка** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида қуйидагича таъриф берилган: "Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир"(42-модда). Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида жиноят (жазо)нинг қуйидаги турлари назарда тутилган (43-модда):

- a) жарима;
- b) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- c) ахлоқ тузатиш ишлари;
- d) хизмат бўйича чеклаш;
- e) қамоқ;
- f) интизомий қисмга жўнатмш;
- g) озодликдан маҳрум қилиш;
- h) ўлим жазоси.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда).

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Маъмурий – ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқий муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, уларга - бошқарувнинг ўрнатилган умумтартиб қоида-ларини бажармаслик, масалан,

йўл ҳаракати қоидаларини ва жамоат тартибини бузиш, табиатни муҳофаза этишга қарши ҳаракатлар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига биноан: "Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун қўжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексад назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавоб-гарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади" (10-модда).

Ушбу Кодексга кўра:" Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1. жарима;
2. маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
3. маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
4. муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
5. маъмурий қамокқа олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2-5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси «худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин"

(Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 23-модда).

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқароларнинг, шахсларнинг мулкий муносабатлари ва бу муносабатлар билан боғлиқ мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларга зарар етказганлик ҳолатларида белгиланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқаларда назарда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тугилади.

Интизомий ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини, ҳарбий ва бошқа интизомни бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради.

Жиноий ва фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга куйидагилар киради:

1. ақли норасолик (шахс ўзининг ҳаракатларига ҳисобот бера олмайдиган ҳолларда);
2. зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига нисбатан зарурий мудофаа доирасида қаршилиқ кўрсатиш ёки зарар етказиш);
3. охириги зарурат (шахс, жамият, давлат манфаатларига хавф туғдирадиган ҳолатларда, бу хавфнинг олдини олинган қаратилган чоралар доирасидаги ҳаракатлар);
4. ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда;
5. казус (тасодифлар) ва ҳоказо.

Юридик жавобгарлик принциплари ва мақсадлари.

Юридик адабиётда юридик жавобгарликнинг асосларини ва чегараларини белгилаб берадиган тамойилларнинг бир хил тушунилиши шаклланган. Бундай тамойилларга:

1. **қонунийлик;**
2. **жавобгарликнинг муқаррарлиги;**
3. **адолатпарварлик;**
4. **мақсадга мувофиқлилик;**
5. **фикр учун эмас, балки фақат ғайриқонуний ҳаракат учун жавобгарлик;**
6. **индивидуаллаштиришни** киритиш мумкин.

Қонунийлик тамойили жиноий, фуқаролик, ҳуқуқи, маъмурий, интизомий жавобгарликни амалга ошираётиб. қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажаришда ўз

ифодасини топади. Қонун талабларига риоя қилиш (моддий ва процессуал) - юридик жавобгарликнинг мақсадларига эришишнинг муҳим шартидир. Моддий қонуннинг талаби шундан иборатки, юридик жавобгарлик фақат қонунда кўзда тутилган ва фақат қонун тартибида рўёбга чиқадиган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун келиб чиқиши керак.

Процессуал қонуннинг асосий талаби эса, ҳуқуқбузарга нисбатан юридик жавобгарликни қўллашнинг асослилиги, яъни объектив ҳақиқат сифатида улар тешонидан ҳуқуқда ҳилоф қилинишини содир этиш фактининг белгиланишидир. Ундан ташқари, бизнинг жамиятимизда ҳуқуқбузар - ҳуқуқсиз субъект эмас. Унинг ҳуқуқларини, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш - юридик жавобгарликларнинг муҳим шартидир. Бошқача қилиб айтганда, жавобгарликнинг процессуал томонига қўйиладиган қонунийлик талаби шуни билдирадики, унга биноан, ваколатли органлар ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва кўриб чиқишнинг қонунда берилган тартибига, шунингдек, амалдаги қонунчиликка биноан, ҳуқуқбузарни унга бериладиган субъектив ҳуқуқларнинг бутун бир комплекси билан таъминлашга қаттиқ риоя қилишлари керак.

Юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили.

Этимологик маънодаги муқаррарлик- ҳодисадан сўнг оқибатнинг чиқишини четлаб ўтиб бўлмаслиги, муқаррарлигидадир. Юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги — унинг ҳуқуқбузарлик факти билан чамбарчас боғлиқлигини ифодалайди.

Юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойили қонунийлик нуқтаи - назаридан иккита муҳим томонни ўз ичига олади. *Биринчидан*, ҳар бир ҳуқуқбузарлик айбдор шахснинг жавобгарлигига албатта, сабаб бўлиши шарт, деган қоида; *иккинчидан*, ҳеч бир айбсиз шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, деган қоидадир.

Ушбу тамойилнинг моҳияти ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун юридик санкция қўллашнинг шарт эканлигида эмас, балки ваколатли давлат органлари, мансабдор шахсларнинг унга нисбатан албатта, ўз муносабатини билдиришидадир. Ҳуқуқбузар, у содир этган қилмиш жамиятга ошкор қилиниши, жамоанинг, ваколатли органларнинг диққатини тортиши, улар томонидан қораланиши керак. Агарда ҳуқуқбузар фақатгина жамоат чоралари таъсири остида тузалиши мумкин бўлса, у ҳолда жарима солиш санкцияси қўлланилмаслиги ҳам мумкин,

Маълумки, фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг маълум бир эркинлигига, фуқаролардан, ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ваколатли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи амалга оширилмаса, бундай ҳолда юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилининг амал қилиши маълум даражада чегараланиб қолади. Н.С. Малевин асосли тарзда ҳисоблайдики, «ҳуқуқ бузилганидан кейин узоқ давр ўтиб, жавобгарликка тортиш чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади, чунки зарур самарани ҳосил қилишга

қодир эмас ва адолатсизликнинг намоён бўлиши каби салбий баҳони бартараф қилмайди»⁶. Шу муносабат билан юридик жавобгарлик чораларининг ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин узоқ муддат ўтгач қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки у лозим даражада самара бермайди ва баъзан намоён бўлган адолатсизлик сифатидаги салбий баҳо пайдо бўлишини ҳам инкор этмайди.

Адолатпарварлик тамойили. Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигини талаб этади. Бу ҳуқуқ тамойили адолатли ҳукм чиқариш асоси ҳисобланади. А.Ф. Конининг таъкидлашича, «Адолатпарварлик қонунчиликда ўз аксини топиши лозим. У инсон эҳтиёжлари ҳамда имкониятлари ҳақиқатига қанчалик чуқурроқ қаратилган бўлса, суд томонидан амалга ошириладиган одилona ҳукмда у шунчалик юқори; қонунчиликда инсон шахсиятига муносабат қанчалик жонли (расмиятчиликсиз) бўлса, у шунча юқори бўлади»⁷.

Айтиб ўтилган фикрлар юридик жавобгарликка тўлиқ тааллуқдир. Ж.П. Маратнинг айтишича, «Адолатни бузмаган ҳолда жиноятчига жазо бериш - бу ёвузларни жиловлаш, бегуноҳларни ҳимоя қилиш, кучсизларни тазйикдан қутқариш, тирания(жаҳолат) қўлидан шамширни (қуролни) олиб қўйиш, жамиятда талабни ҳамда унинг аъзоларининг тинчлигини сақлаш деганидир. Инсонларнинг фаровонлиги учун қандай бошқа мақсад янада оқилона, янада олижаноб, янада саҳоватли ва янада муҳим бўлиши мумкин?»⁸.

Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қуйидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

- ножўя қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;
- жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;

«ҳуқуқнинг бузилиши натижасида келтирилган зарарни қоплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жавобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;

- ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун фақат битта жавобгарлик белгиланади;
- ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фақат шу шахс жавобгарликка тортилади;

• жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллигига) боғлиқ бўлади.

Мақсадга мувофиқлилик тамойили. Содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги бу тамойилининг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофиқдир. Ёки ҳуқуқбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан

⁶ Малевин Н.С. Правонарушение: понятие, причинш, ответственность. М. 1985. С. 5-58

⁷ Кони А.Ф. Собр. соч. М: Мнсль. 1968. С. 25

⁸ Марат Ж.П. План уголовного законодательства. М., 1951. С. 31.

озод қилишга йўл қўймаслик ҳам мақсадга мувофиқликдир ва ҳоказо. Мақсадга мувофиқлик талаблари жавобгарликни тадбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва аксинча, мақсадга мувофиқ эмаслик нуқтаи-назаридан қонун талабларини бузиш мумкин эмас. С.С. Алексеев айтганидек, «Хар қандай, ҳаттоки энг юксак сабаб билан амалдаги меъёрларни четга сураётиб, биз қонунбузарлик тубига яқин келиб қоламиз, қонун ва ҳуқуқнинг топталишига, демакки, ҳуқуқбузарликнинг йўл қўйилишига сабабчи буламиз»⁹.

Фикр учун эмас, балки фақат ғайриқонуний ҳаракат учун жавобгарлик тамойили.

Бу тамойил бизга шу нарсани маълум қиладики фақатгина қонунларда белгилаб қўйилган тартибларга риоя қилмаган шахсларгина жавобгарликка тортиладилар. Аммо фикр юритиш ва дунёқарашидан келиб чиқиб айтилган қарашлар жиноят ҳисобланмайди ва жавобгарликка тортилмайди. Бу фикримнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 29-моддасини келтиришим мумкин : "Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундак мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиш мумкин".

Юридик жавобгарликнинг индивидуаллаштириш тамойили. Ушбу тамойилга юридик жавобгарликка тортилган субъектга нисбатан адолатли қарор қабул қилинишини таъминлайдиган ўзига хос устун сифатида қараш мумкин.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги эслатиб ўтилганидек, ҳуқуқбузарликнинг жавобгарлик билан ажралмас даражада боғлиқлигини белгилашга қаратилган, индивидуаллаштириш эса, бу боғлиқликнинг мутаносиблигини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур тамойилнинг жиддийлиги тўғрисида шундай факт далолатки, Президентимиз И. А. Каримов, Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгаши сессиясида сўзга чиқиб, шу нарсага алоҳида эътибор қаратишни лозим топдики, вилоят судлари оғир жиноятларни амалга оширган жиноятчиларга ҳаддан ташқари «панжа орасидан» қарамоқдалар. Жумладан, у шундай мисол келтирди: «Фуқаро З.Мадаминов Урганч шаҳар суди қарори билан 30 кг гиёҳванд моддани сотиш мақсадида сақлаганлиги учун 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ваҳоланкми, қонунда бундай жиноят учун бошқача жазо-15 йил кўзда тутилган. Бунинг устига вилоят суди хайъатида қайта кўриб чиқилиб, у ерда қонунга ҳилоф равишда жазо чораси 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш сифатида белгиланган.

Вилоятда амалга ошириладиган жиноятларнинг ярмиси гиёҳвандлик билан боғлиқ. Вилоят судининг бундай «инсонпарварлигини» қандай тушуниш мумкин? Айниқса,

⁹ Алексеев С.С. Уроки. Тяжкий путь России к праву. М.: Юрист. 1997. С. 182.

наркобизнес билан кураш олиб бориш зарур бўлган бир пайтда? Бу нима - оққўнгилликми, ҳуқуқни билмасликми ёки инсонпарварлик ниқоби остидаги шахсий манфаатми?»¹⁰.

Жавобгарликнинг индивидуаллаштирилиши қонун билан белгиланган санкциялар доирасида ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг турли хил воситаларини танлаш имконияти билан таъминланади. Бундай ҳолда ҳуқуққа ҳилоф қилмишнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси айбдорнинг шахси, қонунда кўзда тутилган жавобгарликни енгиллаштирадиган, оғирлаштирадиган ҳолатлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

Амалдаги ҳуқуқ нормаларида юридик жавобгарликнинг тамойиллари унинг субъектларига нисбатан қўйилган талаблар сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Юридик жавобгарлик иккита мақсадга - ҳуқуқ тартиботни ҳимоя қилиш ва фуқароларни тарбиялашга қаратилган, деб таъкидланади.

Биринчи мақсад. Юридик жавобгарлик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми таркибида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нормаларнинг бажарилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Иккинчи мақсадга шундай эришиладики, унга биноан, ҳуқуқда жавобгарлик институтининг мавжудлиги жамият аъзоларига ахборот тарзидаги ўзгариш тийиб туриш ва интизомга риоя қилиш каби таъсирлар кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан юридик жавобгарликнинг мақсадларини янада кенгрок тушуниш масаласи таклиф қилинмоқда. Улар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: ҳуқуқбузарларнинг умумий эҳтиёж чоралари, ҳуқуқбузарни жазолаш, унинг онгига таъсир ўтказиш, озми-кўпми миқдорда шахсни маънавий жиҳатдан қайта таркиб топтириш, қонунни бузган инсонда ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлигига қаратилган нормал шахсий белгиларни шакллантиришдир, Ўзбекистон Республикасида жавобгар-ликка тортишдан қандай мақсадлар кўзланганлиги қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Масалан: "Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади"¹¹.

Яна бир қонунда эса, "Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам. бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади"¹².

¹⁰ Правда Востока. - 1996, 19 март.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. 42-модда, 2-банд.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. 22-модда.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа чоралари.

Юридик жавобгарлик - давлат мажбурловининг бир кўринишидир. Шу билан бирга, огоҳлантириш чоралари ва олдини олиш чоралари ҳам давлат мажбурловининг турлари ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқда, масалан, мажбурловнинг маъмурий-эҳтиётлик, маъмурий олдини олиш ва маъмурий-репрессив (маъмурий жавобгарлик) шакллари фарқлаш қабул қилинган.

Ҳуқуқий мажбурлов тизимига кирадиган мақсадларнинг мезонига қараб олдини олиш тадбирларини қуйидагиларга бўлиш мумкин: содир бўлиш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланадиган ва табиий офатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган чора-тадбирлар. Бу чора-тадбирлар турли-тумандир. Улардан энг асосийлари қуйидагилардир.

Биринчидан, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳужжатларни текшириш. Масалан, аниқ турар жой ва машғулотга эга бўлмаган кишиларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текшириш.

Иккинчидан, ҳаракат хавфсизлигига хавф туғилганда транспорт ёки пиёдаларнинг ҳаракатларини тўхтатиш ёки чеклаш. Масалан, авариялар ва табиий офатлар юз берганда.

Учинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш. Масалан, милиция органларига келиш, иш ёки яшаш жойини ўзгартирганлиги ва бошқалар ҳақида хабар бериш мажбурияти.

Бу тадбирлар тўлиқ олдпп олиш, яъни профилактика характериға эға. Бу ерда мажбурлаш шунда намоён бўладики, огоҳлантириш таъсирига эға суган таъсир воситалари ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан иккинчи тарафнинг розилигисиз қўлланади, натижада иккинчи тараф ҳуқуқий кўрсатмалар асосида маълум ҳаракатларни бажариши ёки баъзи ҳаракатлардан ўзини тийиши керак.

Ҳуқуқ ёрдамида олдини олиш воситалари қачонки, ҳуқуқда ҳилоф ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш керак бўлган ҳолларда қўлланади. Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагилар киради:

биринчидан, ҳали юридик жавобгарликка олиб келмаган, лекин жамиятга қарши хатти-ҳаракатга йўл қўядиган шахсларни олиб келиш ва расмий огоҳлантириш;

иккинчидан, мулкни олиб кўйиш. Масалан, муҳр ва штампларни, совуқ қуролни, радиоузаткични, (агар унга эғалик қилишға ҳуқуқи бўлмаса);

учинчидан, маъмурий тарздаги кўрсатмаларни бузадиган шахсларни маъмурий тартибда ушлаб туриш (шахсий эркинликни қисқа муддатға чеклаш).

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар огоҳ-лантирувчи чора-тадбирлардан фарқли равишда фақат ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланади, улар у ёки бу шахсларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишларига қарши акс-садо бўлиб ҳисобланади.

Давлат мажбурловининг огоҳлантириш чоралари, олдини олиш чоралари ва юридик “жавобгарликка ажратилиши бу масалан муайянлаштириш ва тўлдириш-ни талаб этади. Мажбурлаш воситаларининг ичида тиклаш воситалари (ҳимоя чоралари) маълум бир ўринни эгаллайди. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: умумий мулкни мажбурий равишда бўлиш, хизмат сафарларига борганда товон пулларини ундириш, ходимга берилган ёрдам пулини ёки нотўғри тўланган пулларни ушлаб қолиш ва бошқалар.

Юридик адабиётларда ҳимоя чоралари юридик жавобгарлик билан тез-тез тенглаштириб турилади. Қуйидагиларга кўра ушбу ҳолат билан келишиш мумкин эмас. Жавобгарлик, биринчи навбатда, ўзининг асосий йўналиши бўйича ҳуқуқбузарга қаратилгандир, ҳимоя эса, фақатгина ҳуқуқий кўрсатмаларни бузувчига эмас, шунингдек, вакил қилинган шахсга ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Қўлланиш асосларига кўра, жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик (жамиятга зарар келтирадиган айбли, жамият томонидан қораланадиган қилмиш) мавжуд бўлганда келиб чиқади, ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса, ҳуқуққа хилоф объектив хатти-ҳаракат (юқори хавф манбаи орқали келтирилган зарар) бўлганда, бир қатор ҳолларда эса -ҳуқуққа хилофлик бўлмаганда ҳам келиб чиқади (давлат, жамоат ташкилотларининг мулкни қутқариш вақтида келтирилган зарарни ундириш). Юридик жавобгарликнинг асосий вазифаси — жарима солиш, жазолашдир, тиклаш чораларининг вазифаси эса, юридик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа турларини фарқлаш назарий жиҳатдан ташқари, катта амалий аҳамиятга ҳам эга. У шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсир ўтказишнинг энг мақсадга мувофиқ ва қонуний — воситасини танлаш имконини беради.

Хулоса

Мен юридик жавобгарлик мавзусида ушбу дастурымни тайёрлаш жараёнида юридик жавобгарликни белгиловчи кодекслар, қонунлардан фойдаланган вақтимда амалий тажрибам бўлмаганлиги сабабли айрим нормаларни бугунги кун талабларига мослаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади деган қуйидаги тўхтамларга келдим:

1. Ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, жиноий жазолар бир мунча либераллаштириб борилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда жавобгарликнинг бошқа турлари учун ҳам либераллаштиришга ўтиш тўғри бўлар эди.

2. Республикамиз Мустақилликка эришган кундан бери бир нечта "Амнистия тўғрисида"ги Фармонлар эълон қилиниб, уларда фақатгина энг оғир ҳуқуқбузарлик, яъни жиноят содир этган шахсларга нисбатан енгилликлар берилган. Келгусида бошқа турдаги, яъни маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарликлар учун ҳам авф этиш масаласини қўйилса адолатли ва қонунга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида -"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар" деган норма киритилган бўлиб, аммо бошқа қонунларда, яъни жиноий, маъмурий, интизомий -ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи кодексларда айнан бир хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан, ҳарбийларга нисбатан бир қарра оғирроқ жавобгарлик, аёлларга, 60 ёшдан ошган эракаларга, вояга етмаганларга нисбатан енгилроқ жавобгарлик белгиланиши Конституцияга бир оз мос келмайди деб ҳисоблайман. Шу сабабдан ёки Конституцияни қонунларга, ёхуд қонунларни Конституцияга мувофиқлаштириш лозим деб ҳисоблайман.

Қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш масалаларини ҳал этиш жараёнларида талабалар, ўқитувчилар, амалиёт ходимларининг ҳам фикрлари эътиборга олинса бу ишнинг самарадорлигига ижобий таъсир қилар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси. Тошкент, "Адолат", 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент, "Адолат", 1996 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Тошкент, "Адолат", 1999 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Тошкент, "Адолат", 1999 й.
8. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 й.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 – том. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 йил.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5 — том. Т.: "Ўзбекистон", 1998 й.

II. Махсус адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Бобоев Ҳ.Б, Одилқориев Ҳ.Т. таҳрири остида. Тошкент, "Ўзбекистон", 2000 й.
2. Саидов А. Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилдли. ИИБ Академияси. Тошкент, «Адолат», 2001 й.
3. Саидов А. Тожихонов У. Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. ИИБ Академияси. Тошкент. "Шарқ" нашрети, 2002 й.
4. Юридик энциклопедия. Раззоқов С, Имомов Н, Хувайтов И. Тошкент, "Шарқ", 2001 й.
5. Саидов А. Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент, "Адолат", 2001 й.
6. Исломов З. Обидество. Государство. Право. 2-том. Тошкент, "Адолат", 1998 й.

III. Қўшимча адабиётлар

1. Правда Востока. 19 марта 1996 г.
2. Марат Ж.П. План уголовного законодательства. Москва, 1951 г.
3. Алексеев С.С. Уроки. Тяжкий путь России к праву. Москва, Юрист. 1997г
4. Кони А.Ф. Собр. Соч. Москва, Мьгсль. 1968 г.
5. Малевин Н.С. Правонарушение: понятие, причинь ответственность. Москва, 1985 г.
6. Дарендорф Р. Дорога к свободе: Демократия и ее проблем в Восточной Европе. Воп. Ф-и- 1990 г.